1917 **ЯШНА, КАМОЛ ТОП, ЖОНАЖОН ТОШКЕНТ!** 1967

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 83 (3565).

26 апрель чоршанба, 1967 йил

Баҳоси 2 тийин.



ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЭЛЛИК ЙИЛ ТЎЛДИ.

Газетамизнинг бугунги сони ана шу шонли юбилейга бағишланади.

ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН

1 НОЯБРДА Тошкент пролетариати ҳокимиятни ўз қўлига олди. Бутун Туркистон ўлкасида Совет ҳокимияти ўрнатилди. 9 ноябрда эса «Улуғ Туркистон» газетаси биринчи марта ўзбек тилида Ленининг ер ва сулҳ тўғрисидаги буюк тарихий декретини босиб чиқарди.

●

1918 йил апрелида Тошкентда Туркистоннинг ҳамма бурчакларидан келган делегатлар Советларнинг бешинчи съездига йиғилиб РСФСР составида Туркистон Автоном Совет Социалистик республикаси тузилганлиги тўғрисидаги тарихий қарорни қабул қилдилар. Съездни В. И. Ленин табриклади. «ЎРТОҚЛАР! ХАЛҚ КОМИССАРЛАР СОВЕТИ СИЗНИНГ УЛКАНГИЗНИ СОВЕТ АСОСИДА АВТОНОМИЯ БЎЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ» — деб телеграмма юборди. Ленин — «БУНГА ШУБҲАЛАНМАСАНГИЗ ҲАМ БЎЛАДИ,— СИЗЛАРНИНГ ТАШАББУСИНГИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ ВА ШУНГА ҚАТТИҚ ИШОНАМИЗКИ, СИЗЛАР ЎЛКАДА СОВЕТЛАРНИНГ КЕНГ ТАРМОҒИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРАСИЗЛАР» деб ёзган эди.

●

1918 йил 23 майда Туркистон Халқ Комиссарлар Совети Ильичга мурожаат қилиб, «Туркистон республикаси душман халқаси ичида... Тошкентнинг алоқаси узилган, ўлим хавфи остида турган бир вақтда Сизнинг овозингизни эшитишга муҳтожмиз, пул, снаряд, қуроллар ва жангчилар билан қувватлашингизни кутамиз» деб ёзди. Тезда Москвадан доҳининг руҳлантирувчи хати келди. Унда: «СИЗЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАРНИ КЎРМОҚДАМИЗ, ПОЛК ЮБОРАМИЗ, РУҲИНГИЗНИ ТУШИРМАНГ...» дейилган эди.

●

1919 йил апрелида Туркистон фронтининг ташкил қилиниши ҳам Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Туркистон фронтига раҳбарлик қилиш вазифаси унинг сафдошлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевга юклатилди. Ленин 1919 йил 30 августда Тошкент Совети ижроия Комитетига қуйидаги телеграммани юборади:

«ТУРКИСТОН ВА РОССИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ВА ҚИЗИЛ АРМИЯНИНГ ҒАЛАБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК.

ҚИЗИЛ ТУРКИСТОНГА САЛОМ!
МУДОФАА СОВЕТИНИНГ РАИСИ
ЛЕНИН».

●

1919 йилнинг ноябрь ойида Ленин Тошкентда биринчи бўлиб босилган «Туркистондаги коммунист ўртоқларга!» номли хатида шундай деб ёзган эди: «СОВЕТ ИШЧИ-ДЕҲҚОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КУЧСИЗ, ШУ ДАМГАЧА ЭЗИЛГАН МАЗЛУМ ХАЛҚЛАРГА МУНОСАБАТИ БУТУН ОСИЁ УЧУН, МИЛЛИОН-МИЛЛИОН КИШИЛАР УЧУН АМАЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ».

ЕВРОПА КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИНИНГ ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ КУНДУЗГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

А Х Б О Р О Т

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Европа хавфсизлиги масалаларига бағишланган конференцияси 24 апрель кундузги мажлисининг биринчи қисми Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Вальдек Роше раислигида ўтди.

Мунозарада Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Антонин Новотний ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Владислав Гомулка сўзга чиқдилар. Кундузги мажлиснинг иккинчи қисми Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Алваро Куньял раислигида ўтди.

Мунозарада Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Кнуд Есперсен, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Макс Рейман ва Финляндия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Вилле Песси сўзга чиқдилар.

КАРЛОВИ ВАРИ, 25 апрель. (ТАСС). Бу ерда Европа Коммунистик ва ишчи партияларининг Европа хавфсизлиги масаласига бағишланган конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. Бугунги эрталабки мажлисда Буюк Британия Коммунистик партиясининг вакили ва Болгария Коммунистик партиясининг вакили раислик қилмоқдалар. Эрталабки мажлисда умумий мунозара давом эттирилади.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори республика ва унинг партия ташкилоти олдига масъулиятли вазифалар қўйди. Бу қарор халқ бахт-саодати тўғрисида партия ва ҳукумат кўрсатаётган жуда катта ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Республика партия-хўжалик активининг 25 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу ҳақда гапирилди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, шунингдек Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, министрликлар ва марказий идораларнинг раҳбарлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, область партия комитетлари маъмурий ва савдо — план органлари бўлимларининг мудирлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район советлари ижроия комитетларининг раислари, йирик саноат корхоналарининг директорлари ва партия комитетларининг секретарлари, колхоз ва совхозлар, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, ўқув юртларининг раҳбарлари, давлат ва кооператив савдоси ходимлари, қишлоқ ва посёлка советларининг раислари қатнашдилар.

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

●

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди. Йиғилиш аҳли СССР космонавт учувчиси В. М. Комаров хотирасини бир минут сукут қилиш билан эслади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов доклад қилди. Доклад юзасидан музокаралар бошланди.

Йиғилишда СССР Савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Трифонов, Центросоюз раисининг ўринбосари И. Л. Давидов нутқ сўзладилар.

Йиғилиш муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар М. А. Абдураззоқов, М. Т. Турсунов, КПСС Марказий Комитети савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Тютюников иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ЮБИЛЕЙ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар ва район Советлари депутатларига маълум қиладики, Тошкент Советининг 50 йиллигига бағишланган юбилей сессияси шу йил 26 апрель соат 14 да Свердлов номли концерт залида очилади.

Депутатлар 26 апрель соат 13 дан бошлаб шу бинонинг ўзида рўйхатга олина бошлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

МОСКВА В. М. КОМАРОВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

... 25 апрель кундуз соат 12. Минг-минглаб москваликлар «Союз-1» космик кемасида синов учиши тугалланган чоқда фожиона ҳалок бўлган СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, инженер-полковник, коммунист Владимир Михайлович Комаров билан видолашмоқ учун Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқли залига келишди.

В. М. Комаровнинг ҳоки солинган қутича баланд супачага қўйилди. Унинг Ватан олдидаги жуда катта хизматлари учун берилган орден ва медаллар ҳам шу ерга қўйилди.

Гуллар орасида В. М. Комаровнинг мотам ленталари билан ўралган портрети кўзга ташланади. Супанинг тўрт томонига гулчамбарлар қўйилган. Бу гулчамбарлардан бирининг қизил лентасига шу сўзлар ёзилган: «Владимир Михайлович Комаровга КПСС Марказий Комитетидан». Бу ерда СССР Министрлар Совети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Мудофаа министрлиги, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош Сиёсий бошқармаси, министрликлар ва бошқармалар, партия ва совет ташкилотлари номидан қўйилган гулчамбарлар бор.

Мотам марсиясининг садолари янграйди. Ишчилар, хизматчилар, Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари, академияларнинг тингловчилари сукут ичида қаҳрамоннинг ҳоки қўйилган супа олдидан ўтадилар.

Ҳукумат комиссиясининг аъзолари Д. Ф. Устинов, Л. В. Смирнов, С. А. Афанасьев, В. Я. Павлов, М. С. Смирнюков, Ю. А. Гагарин ўртоқлар, шунингдек СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш ва КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. Д. Серёгин биринчи фахрий қоровулликда турадилар.

Видолашувнинг дастлабки соатларида А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. И. Микоян фахрий қоровулда турдилар.

(ТАСС).

В. И. ЛЕНИН МАЙДОНИ КЕЛАЖАКДА

Сиз бу суратда серқуёш республикамиз пойтахти — озод Шарқ машъали Тошкентимиздаги доҳимиз В. И. Ленин майдонининг келгусини ифода этувчи макетини кўриб турибсиз. Шу кеча-кундузда келажакда бутун салобати билан қад кўтариб Тошкентимиз жамолига жамол, камолига камол қўшадиган муҳташам бинолар қаддини тиклаш йўлида фидокорона меҳнат қилинмоқда. Орадан кўп ўтмай миллионларнинг қалбига энг яқин бўлган В. И. Ленин майдони ана шундай улуғвор дарғоҳни касб этади.



ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК,

ОКТЯБРЬ ҒАЛАБАСИ УЧУН КУРАШДА

Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети Февраль революциясидан сўнг вужудга келди. Ўрта Осиё темир йўли Бош устахоналарининг ишчилари уни ташкил этишнинг ташаббускорлари эдилар. 1917 йил 2 (15) март куни вокзал олдида бўлиб ўтган митингда темир йўл ишчилари Тошкент Советига ўзларининг 12 вакилини сайладилар. В. Ляпин, А. Казаков, А. Першин ва бошқалар Советнинг дастлабки депутатларидан эдилар. Бородин устахоналарининг ишчилари ҳам Тошкент Советига ўз вакилларини — Н. Калугин, Д. Манжара ва бошқаларни сайлашди. Эртаси кун ана шу устахоналар ва шаҳардаги бошқа корхоналарнинг вакилларидан иборат ишчи депутатлари Тошкент Совети тузилди. Унинг составида 28 депутат бор эди.

4 март куни эса солдат депутатлари Тошкент Совети тузилди. Ҳар иккала Совет 28 март куни қўшма мажлис ўтказишиб, унда ўзларининг битта Советга — ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советига бирлашганликлари тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан қабул қилдилар.

Тошкент Совети ўзининг вужудга келган дастлабки кунлариданоқ шаҳарда ва бутун ўлкада юз берастган энг муҳим сиёсий воқеаларнинг ташаббускори бўлиб чиқди. 1917 йил баҳорида унинг ташаббуси ва фаол иштироки билан Туркистон генерал губернатори Куропаткин лавозимидан ҳайдалди.

Тошкент Совети ўлкада ҳам Советларни ташкил қилиш ишчи, солдат ҳамда эски шаҳар камбағалларини уюштириш, очликка қарши кураш, ишчилар синфининг стачка ҳаракатини авж олдириш борасида жуда катта ишларни амалга оширди. Ишчилар, солдатлар, барча меҳнаткашлар орасида унинг обрўси орта борди.

Лекин Тошкент Совети ҳали бутун халқ учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий масалалар бўйича мамлакатдаги бошқа Советлар сингари келишувчилик позицияларида турар эди.

Тошкент Советидаги меньшевик ва эсер раҳбарларнинг бундай сиёсати революцион кайфиятдаги ишчи ва солдат депутатлар томонидан кескин зарбага учрарди. Советдаги большевик депутатлар меньшевик ва эсерларнинг келишувчилик сиёсатини фош қилиб ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши учун қаттиқ кураш олиб борардилар.

РСДРП(б) тарихий VI съезднинг партияни қуролли қўзғолон қилишга отлантирган қарорларидан сўнг Тошкент большевикларининг фаолияти айниқса кучайди.

Тошкент Советининг 30 августдаги мажлисида большевик депутатлар «Бутун ҳокимият Советларга топширилсин!» деган қатъий талаб билан чиқдилар.

Оммани революцияга сафарбар қилиш йўлидаги муҳим босқич сифатида Тошкент пролетариатининг Советлар ҳокимияти учун кураши тарихида ажойиб саҳифа очди. Ана шу воқеаларда Тошкент Совети катта роль ўйнади. Унинг ижроия комитети составидан келишувчи партиялар вакиллари чиқарилди ҳамда унга фақат большевиклар, сўл эсерлар ҳамда интернационалчи меньшевиклар сайланди. Большевиклар ижроия комитетда 11 ўринни эгалладилар. Сентябрь воқеаларидан сўнг большевикларнинг таъсири кескин ортиб кетди.

Россия марказида большевиклар қуролли қўзғолонга тайёргарлик масалаларини ишлаб чиқаётган бир вақтда, яъни 1917 йил октябрида, Тошкент Советида большевиклар фаолияти айниқса кучайди. Ана шу даврда большевиклар ва Тошкент Совети депутатлари томонидан уюштирилган жуда кўп йиғилиш ва митингларда ишчилар ва солдатлар Вақтли ҳукуматга ишончсизлик билдириб, Тошкент Советини қўллабқувватлаш тўғрисида, ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш зарурлиги тўғрисидаги большевистик резолюцияларни яқдиллик билан қабул қилдилар.

Большевиклар Тошкент Советида омманинг ҳокимиятни Советларга топшириш учун тобора ўсиб бораётган ҳаракатига таянib, қуролли қўзғолонга амалий жиҳатдан тайёргарлик кўра бошладилар. Бунда улар партиянинг VI съезди ва РСДРП(б) Марказий Комитетининг 10 ва 16 октябрдаги тарихий мажлислари қарорлари асосида иш олиб бордилар.

Тошкентда қуролли қўзғолонни тайёрлаш ва уни амалга оширишда Тошкент шаҳар Совети жуда катта роль ўйнади. Совет президиумининг 25 октябрдаги ёпиқ мажлисида қўзғолон плани муҳокама қилиниб, революцион қисмларнинг комиссарлари тайинланди.

Петроградда Октябрь революциясининг ғалабаси Тошкентда ва бутун ўлкада Советлар ҳокимияти учун ҳал қилувчи курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 28 октябрь куниёқ Тошкентда ишчилар, солдатлар ва эски шаҳар камбағалларининг қуролли қўзғолони бошланди. Қўзғолонга бевосита раҳбарлик қилиш учун партия ташкилотлари, Тошкент Совети президиуми аъзолари, темир йўл, солдат комитетларидан иборат Революцион комитет ташкил қилинди. Тошкент Совети Ижроия Комитетининг аъзоси большевик В. Ляпин Революцион комитет раиси қилиб сайланди.

Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолонида рус ишчилари ва революцион солдатлари билан бирга ўзбек ишчилари ва эски шаҳар камбағаллари ҳам фаол иштирок этишди. О. Бобожонов, М. Мирҳодиев, М. Шермуҳамедов, С. Қосимхўжаев ва бошқа кўпгина ўртоқлар эски шаҳар аҳолиси ўртасида катта революцион иш олиб бордилар. Улар маҳаллий меҳнаткашларни қуролли қўзғолонни қўллабқувватлашга чақириб, улардан харбий дружиналар туздилар. Ўзбек халкининг кўпгина шонли фарзандлари Тошкентда Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун қаҳрамонона курашдилар.

Тошкент кўчаларидаги жанглар тўрт кун давом этди. 1 ноябрь куни қўзғолончилар ғалаба қозондилар. Ҳокимият Тошкент Совети қўлига ўтди.

Туркистоннинг маъмурий ва сиёсий маркази бўлган Тошкентда Совет ҳокимияти ана шундай тантана қилди. Шу кунларда 50 йиллик юбилейн нишонланаётган Тошкент Совети юқорида кўрганимиздек, бу курашда айниқса катта роль ўйнади. Тошкент Совети бутун Туркистонда Советларнинг байроқдори бўлиб қолди.

Р. НУРУЛЛИН,
тарих фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ Советини ташкил этишда актив иштирок этган отахонларимизни — биринчи депутатларимизни каттаданкичик ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Чунки уларнинг ҳар бири ўша кезларда Тошкентни чет унсурлардан тозалашда кураш тўлқинларида тобланишган. Суратда I-қаторда (чапдан) А. Громотович, Р. Пирмуҳамедов, С. Худойнц, Ф. Желетков, А. Муҳамедов, Т. Зиямухамедов, Г. Ногаев, Қ. Маъзумов. 2-қаторда: И. Ҳолхўжаев, П. Польчиков, К. Котонов, К. Химеров, С. Тошхўжаев, И. Ҳолмуҳамедов, 3-қаторда: Д. Комиссаров, Н. Абдукаримов, Н. Хўжаев, А. Мойданов, С. Шамсиев ўртоқлар.

Ташкентскій Совѣтъ Рабочихъ Депутатовъ.

Товарищи рабочіе!

3-го марта въ Ташкентѣ образованъ путемъ выборовъ отъ рабочихъ Ташкентскій Совѣтъ Рабочихъ Депутатовъ, являющійся Вашимъ представителемъ и защитникомъ интересовъ рабочаго класса. Одной изъ главныхъ обязанностей, возлагаемыхъ на себя совѣтомъ Рабочихъ депутатовъ, являющимся Вашимъ представителемъ и защитникомъ интересовъ рабочаго класса одной изъ главныхъ обязанностей возлагаемыхъ на себя Совѣтомъ Рабочихъ Депутатовъ является въ настоящее время поддержание полнаго спокойствія въ городѣ и предотвращеніе всякихъ нежелательныхъ выступленій. Съ этимъ призывомъ Совѣтъ рабочихъ Депутатовъ обращается къ вамъ, товарищи, рабочіе! Не прекращайте ни на часъ Вашей важной для дѣла защиты родины работы, сохраняйте полное спокойствіе, не слушайте призывовъ отдѣльныхъ лицъ, остерегайтесь возможныхъ провокаціонныхъ выходокъ. Слезъ погибающаго стараго строя. Въ такой же мѣрѣ Совѣтъ Рабочихъ Депутатовъ обратился съ призывомъ къ Ташкентскому Гарнизону о выборѣ представителей отъ воинскихъ частей и образованіи Совѣта Воинскихъ Депутатовъ, который долженъ взять на себя поддержаніе дисциплины въ войскахъ и предотвращеніе отдѣльныхъ, разрозненныхъ выступленій.

Совѣтъ Воинскихъ Депутатовъ уже избранъ и работа его идетъ въ полномъ согласіи съ работой Совѣта Рабочихъ Депутатовъ, представители воинскихъ Депутатовъ участвуютъ въ засѣданіяхъ Совѣта Рабочихъ Депутатовъ и представители Рабочихъ Депутатовъ—въ засѣданіяхъ Совѣта Воинскихъ Депутатовъ.

Далѣе, Совѣтъ Рабочихъ Депутатовъ обратился съ одной стороны къ нашимъ товарищамъ, работающимъ на Средне-Азіатской, Ташкентской Ферганской и Бухарской жел. дорогахъ съ призывомъ организоваться, избрать Совѣты Рабочихъ Депутатовъ и прислать изъ представителей на Обще-Туркестанскій Съѣздъ Совѣтовъ Рабочихъ Депутатовъ, а съ другой стороны къ Петроградскому Совѣту Рабочихъ Депутатовъ съ просьбой о присылкѣ указаній объ общей тактикѣ рабочаго класса.

Пока же Совѣтъ Рабочихъ Депутатовъ всецѣло принимая программу ближайшей дѣятельности Временного Правительства, постановилъ объединя съ пра-

Тошкент Совети ишчи депутатлари 1917 йил 3 мартда ишчиларга қарата мана шу мурожаатни ёзган эдилар.

ШОНЛИ ЯРИМ АСР

Совет ва Гоголь кўчаларининг бурчагида бир қаватли эски бино қад кўтариб турибди. Бундай қараганда бинони бошқа бинолардан ажралиб турадиган ҳеч қандай жойи йўқ. Бу ерда кўп йилдан буён «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри ишлайди. Лекин бинога диққат билан қараган киши у ердаги меъмориал доскадаги **«Бу ерда 1917 йилдан 1921 йилгача ишчи,солдат ва деҳқон депутатлари Тошкент Совети жойлашган»** дейилган ёзувга кўзи тушади...

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети 50 йил мобайнида катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Революциядан кейинги дастлабки йилларда Тошкент Советининг фаолияти жуда кўп қиррали бўлди. Уларнинг аъзолари Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган катор тадбирларни ҳамкорликда амалга оширдилар. Совет депутатлари Советларнинг III—ўлка съездида Туркистон Халқ Комиссарлари Советини ташкил этишда катта роль ўйнадилар. Ҳар икки Совет контрреволюция элементларига карши кескин курашдилар. Республикани иқтисодий ва маданий жиҳатдан қайта қуриш учун курашда авангард бўлдилар.

Тошкент Советлари гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида большевиклар раҳбарлигида иш олиб бориб, кенг меҳнаткашлар оммасини Совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга сафарбар этди. Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1924 йил 14 апреллдаги қарори билан Тошкент Совети Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Гражданлар уруши муваффақиятли тугагач, Тошкент Совети депутатларининг фаолияти янада активлашди. Улар ҳокимиятнинг маҳаллий ташкилотларига суқулиб кириб олган ёт—душман унсурларни бутунлай суриб чиқариш, ишлаб чиқариш масалалари, меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари билан актив шуғулландилар. Тошкент Совети меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш, кишилар онгидаги эскилик салқитларига қарши кураш, меҳнаткашларнинг сиёсий онгини ошириш масалаларига ҳам катта эътибор берди.

1929 йилнинг бошларида эски ва янги шаҳар Советлари ягона шаҳар Совети қилиб бирлаштирилди. Бу тадбир Советлар ва уларнинг депутатлари фаолиятини янада яхшилаш имкониятини берди. Шаҳар Советининг актив депутатлари орасида С. Қосимхўжаев, А. Бобожонов, Н. Хўжаев, Б. Нурмуҳамедов, М. Мирҳодиев ва бошқалар бор эди.

Тошкент Совети социализмнинг ғалабаси учун кураш йилларида шаҳар партия ташкилоти раҳбарлигида иш олиб бориб, пойтахтда халқ хўжалиги ва маданий қурилишни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

«Ҳамма нарса фронтга!» Тошкент шаҳар Совети Улуғ Ватан уруши йилларида ана шу шиор остида иш олиб борди. У шаҳарга эвакуация қилинган саноат корхоналарида ишни ташкил қилиш, Тошкентни Совет Армиясининг энг муҳим арсеналларидан бирига айлантириш юзасидан зарур тадбирларни кўрди.

Урушдан кейинги йилларда Тошкент Совети КПСС XX, XXII, XXIII съездлари қарорларини ҳаётга тадбиқ қилиш юзасидан катта ишлар қилди ва қилмоқда. Совет ҳокимияти йилларида шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди. Ў йирик саноат, фан ва маданият ўчоғига айланди. 1966 йилга келиб шаҳарда 253 йирик саноат ва транспорт корхонаси вужудга келди. Ваҳоланки, революцияга қадар Тошкентда атиги 100 дан ортиқ саноат корхоналари бор бўлиб, уларнинг кўп қисми ҳам ярим кустар типида ишларди.

Ҳозирги пайтда шаҳарда 17 олий ўқув юрти ва 25 ўрта махсус ўқув юртлари бор бўлиб, уларда 160 мингдан ортиқ киши ўқийди. Ўзбекистоннинг пойтахтида Фанлар академияси ташкил этилган бўлиб, у муваффақиятли иш олиб боряпти.

Халқ маорифини ривожлантириш соҳасида ҳам мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Шунингдек Тошкент Шарқнинг улкан дарвозаси сифатида ҳам ном чиқарди. У олимларнинг конференциялари, йиғилишлари ўтказиладиган жойга айланди.

Совет ҳокимияти йилларида шаҳар аҳолиси кескин кўпайди. Ҳозирги пайтда бу ерда 1 миллион 250 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади.

Тошкентнинг халқаро миқёсдаги обрўси ҳам ўсди. У тинчлик ва халқлар дўстлигининг символига айланиб қолди. Бу ерда 1958 йили Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари бирдамлик конференцияси бўлиб ўтди. «Тошкент руҳи» шу ерда туғилди. Бу ерда икки йирик давлат Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ҳар икки давлат раҳбарлари тарихий Тошкент Декларациясига қўл қўйдилар.

Ўтган йилнинг апрель ойидаги табиий офат гўзал шаҳримизга катта шикаст етказди. Бироқ партия ва ҳукуматимизнинг катта ёрдами мамлакатимиздаги қардош халқларнинг, Совет Армияси ва Флотининг кўмаги туфайли зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан зарур тадбирлар кўрилди. Бу тадбирларни амалга оширишда шаҳар Совети актив фаолият кўрсатмоқда.

1966 йилда 700 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Совет Армияси жангчиларининг қўли билан 150 минг квадрат метр турар-жойга эга бўлган Сергели—Йўлдош шаҳри қурилди.

Беш йилликда шаҳарда қурилиш ишларини кенгайтириш юзасидан янада улкан ишлар амалга оширилади. Тошкент Совет Иттифоқининг энг гўзал ва ободонлашган шаҳарларидан бирига айланади. Фақат шу йилнинг ўзидагина тошкентликлар барча комплекс маданий—маиший ва коммунал объектларига эга бўлган 1 миллион 300 минг квадрат метр янги турар жойга эга бўладилар. Беш йилликда эса ҳаммаси бўлиб шаҳарда 5 миллион квадрат метрдан ортиқ турар-жой қурилади.

Шаҳар меҳнаткашлари ва унинг Совети КПСС тарихий XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини ташкил этиш учун олиб борилаётган курашда актив иштирок этадилар. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш, беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун ғайрат қиладилар.

С. НОРҚУЗИЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

«Республика ўз тараққиётида эришган ажойиб улкан ютуқлар мени ҳайратда қолдирди. Тошкентда бўлганим вақтида кўрган ҳамма нарсалар Совет ҳукумати ўтказаётган сиёсатнинг жуда катта муваффақиятидан далолат бериб турибди».

Ричард МАРШ
Англия парламентининг аъзоси.

●

«Биз Тошкентга келганимизда жуда хурсанд бўлдик, негаки, ўзимизни худди уйимиздагидек ҳис қилдик. Бу ерда бизни қизғин кутиб олишди. Ҳозир Тошкент Ҳиндистон кишилари учун уй-шаҳар бўлиб қолди. Тарихий Тошкент Декларацияси барча ҳиндларнинг овозида янграмоқда. Биз марҳум Бош министр Лал Баҳодир Шастри Декларацияга имзо чеккан бинони бориб кўрдик. Бу биз учун фақат тарихий аҳамиятга эга бўлган жойгина эмас, балки ҳурмат билан бош эгадиган жойимиз ҳамдир.

Лакшми Кумари ЧУНДАВАТ
Ҳинд-Совет маданият жамиятининг Рожистон филиали президенти.

ИНДУСТРИЯ МАРКАЗИ

Тошкент областимизнинггина эмас, балки бутун республикамизнинг асосий саноат маркази ҳисобланади. Ҳозирда замонавий асбоб-ускуналар, автоматика ва механизация воситалари билан жиҳозланган 300 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. Саноатнинг 60 га яқин тармоғига мансуб бўлган бу корхоналарда тайёрланаётган турли-туман маҳсулотлар—газламалар, кабель, машиналар, электротехника асбоб-ускуналари жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларига етказиб берилиятти. Бу ерда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларини ҳарид қилаётган чет эл мамлакатлари сони 1966 йилнинг охирига келиб 60 тадан ошиб кетди.

Шаҳар саноатининг ўтмишига назар ташласак, бу юксалишнинг кўлами ниҳоятда катта эканлиги яққол кўзга ташланади. Бундан 50 йил муқаддам Тошкентда ҳаммаси бўлиб 78 та ярим кустар ҳолдаги корхоналар бор эди. Уларда бор-йўғи 3950 киши ишларди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий турларини кетмон, сопол идишлар, арава, дўппи, сандиқ ва бошқа шу каби уй жиҳозлари ташкил этарди. Трамвай ва темир-йўл устахоналари ғир йирик корхоналар ҳисобланарди. Ўша вақтда мавжуд бўлган барча электростанцияларнинг қуввати 600 киловаттдан иборат эди холос.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг Тошкент тубдан ўзгариб кетди. Майдони кенгайди, аҳолиси кўпайди, Йирик-йирик саноат корхоналари вужудга келди. Пахтачилик билан боғлиқ бўлган саноат тармоқларининг гигант корхоналари ишга тушди. «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Ташхимсельмаш», Тошкент трактор йиғув, «Таштекстильмаш» заводлари, тўқимачилик комбинати шулар жумласидандир. Тўқимачилик комбинати шаҳар саноати мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилганлигининг ёрқин мисоли бўла олади. Бу ерда ҳар йили 200 миллион метр газлама ва бошка жуда кўп тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Унинг бир йил давомида халқ хўжалигига етказиб берган газламалари Канададаги барча тўқимачилик корхоналарида тўқилаётган газламалар миқдорига тенгдир. Австрияга қараганда эса, икки баравар кўпдир.

Шаҳарда донги жаҳонга тарқалган бошқа жуда кўп корхоналар ҳам ишлаб турибди. Кабель, экскаватор, «Подъемник», электротехника Чкалов номли авиация заводлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари лак-буёқ абразив, карборунд, электролампа заводлари, ўнлаб озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари мамлакат экономикаси ва халқ эҳтиёжлари учун турли-туман маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Республика пойтахтида капитал қурилиши тобора кенгаётганлиги муносабати билан саноатнинг бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи тармоғи вужудга келди. Ўйсозлик комбинатлари, йирик гишт, йиғма-темир-бетон конструкциялари ва деталлари ёғочсозлик заводлари Тошкентда олиб борилаётган янги қурилишлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Шаҳарнинг энергетика хўжалиги қуввати жуда каттадир. Гидроэлектростанциялар каскади, Тошкент ТЭЦи ҳамда Тошкент энерго системасига кирувчи бошқа станцияларида шаҳардан ташқари республикамиз эҳтиёжлари учун ҳам электр қуввати етказиб бермоқда. Мамлакатимизнинг табиий газ билан ишлайдиган энг йирик электр станцияларидан бири—Тошкент ГРЭСи тобора кучлоқ ёймоқда.

Тошкент саноатининг тез суръатлар билан юксалиши Коммунистик партия ленинча сиёсатининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Ана шу сиёсат туфайли чор Россиясининг қолоқ ҳисобланган чекка ўлкалари юксалди, Тошкент шаҳри эса энг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Эндиликда шаҳарда 1917 йилдагига қараганда 209 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Шаҳар саноатининг келажаги янада порлоқдир. Янги беш йиллик планга мувофиқ қатор янги заводлар, ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилади, мавжуд корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш муттасил ортиб боради.

Шуни айтиш керакки, шаҳар саноатчилари Тошкент Советининг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Шу йилнинг биринчи квартали планини асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этдилар. Шаҳар Советининг ярим асрлик тўйини зўр хурсандчилик билан байрам қилаётган ишчилар, инженер-техник ходимлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини катта тортиқлар билан нишонлаш мақсадида ҳиммат камарини янада маҳкамроқ боғлаб, ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар.

С. ОРИФБОЕВ,
инженер.

ЧИЛОНЗОРДА қурилиш ишлари тобора авж олмоқда. Янгидан-янги турар-жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. Чилонзор жонажон пойтахтимизнинг энг гўзал районларидан бирига айланмоқда.

А. Абалян фотолари.

ҚАРДОШЛИК, ЖАСОРАТ ШАҲРИ

Суратда: Йўлдош ота Охунбобоев номига қўйилган майдон. А. Абалян фотоси.

«Узоқ Танзания хотин-қизлари ҳаммавақт ўз совет дугоналари намунасига эргашяптилар, аммо тақдири баъзи Африка мамлакатлари тақдирига жуда ўхшаш бўлган, собиқ чор мустамлакаси бўлмиш Ўзбекистон намунаси айниқса жуда ажойиб»

Нанже-лу Массат хоним. (Танзания)

●

«Бизнинг радиомиз ҳар куни Тошкентдан олинган хабарларни эшиттириб турди, шунинг учун ҳам ўзимизни сиз билан ёнма-ён тургандек ҳис этдик. Агар бутун Совет Иттифоқининг ёрдами бўлмаганида бу чинакамига фожиа бўлиши мумкин эди».

Оливия Лондман
Африка хотин-қизлар арбоби.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР











БУГУНГИ ТОШКЕНТ

● Жонажон республикамиз пойтахти Тошкентни яшил шаҳар деб ҳам атайдилар. Кишига ором берадиган боғлар, хиёбонлар беҳисоб. Ҳозир 500 гектардан ортиқ майдонда 12 та миқиқ ҳордиқ чиқарадиган файзли маданият ва истироҳат боғи бор. Биргина Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғи 150 гектардан ошади. Юбилей йилида Чилонзорда 80 гектар ерда, Йўлдош шаҳарча Сергелида 12 гектар ерда ана шундай маданий дам олиб ҳордиқ чиқараднган боғ барпо қилинмоқда. Боғларни тартибга солиш ва безатиш учун бу йил 600 минг сўм пул ажратилган.

● 1917 йилда Тошкентда бор-йўғи тўртта кинотеатр бўлиб, залларга 1500 томошабин сиғар эди. Эндиликда пойтахтимизда 81 та кинотеатр бор. Шулардан 43 таси ёзги, 38 таси қишки. Бу кинотеатрларда кунига 40 мингдан ортиқ киши томоша кўради. 1970 йилга бориб кинотеатрлар 91 тага етказилади.

● Пойтахтимизда 32 ном билан газета босилади. Уларнинг тиражи 3 миллионга етган. Бир ярим миллион тиражли 32 номда журнал чиқади. 122 номда босиладиган брошюраларнинг тиражи 2 миллиондан ошиб кетди.

ЎТМИШНИ ЭСЛАБ...

Меҳнат аҳлининг олтин қўли билан яратилган, бугунги кунда ўзининг бутун барқамоллиги, ҳусни ва кўрки билан миллионларни ўзига шайдо қилган ҳам Тошкентнинг ўтмиши ҳақида гапириб бериш учун менга ўрин берилганлигидан хурсандман.

Октябрь мазлумларга абадий бахт йўлини ёритиб берди. Ана шу улуғ инқилобдан кейин шаҳримизда эски шаҳар ва янги шаҳар советлари ташкил этилди. Ўша йиллари эски шаҳар тўрт даҳага — Бешёғоч даҳаси, Кўкча, Шайхантовур ва Себзор даҳасига бўлинар эди. 1918 йили мени Бешёғоч даҳасининг камбағал ишчи-деҳқонлари эски шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди.

Ўша йиллари биргина Бешёғоч даҳасигина эмас, эски шаҳардаги бошқа маҳаллаларда ҳам аҳвол жуда оғир эди. Кўчалар қичик, тор, бунинг устига қиш кунлари лой азобидан, ёзда чангдан кўз очиб бўлмасди. Кечаси бўлса ҳар бир маҳалла кўчасида битта, «ободроқ» кўчаларда эса иккита керосин ёғи шағам билан ёритиладиган фонар бўлар эди. Бу фонарлар маҳалладаги энг катта бойларнинг эшиклари тепасига қўйиларди.

Сувнинг танқислигини айтмайсизми, одамлар бир километр наридаги ҳовуздан сув ташиб келишарди. Айниқса қиш кунлари ҳовуз музини тешиб сув олишга тўғри келарди.

Шаҳар аҳолисининг узогини яқин, оғирини енгил қиладиган транспорт ҳақида, ҳатто гап ҳам юритиб бўлмас эди. Фақат от билан юрадиган беш-олтитагина вагон Хадрадан янги шаҳаргача қатнар эди. Хадрадан янги шаҳарга боргунча уч-тўрт жойда отлар алмаштириб борилар эди.

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин шаҳримизда илм маърифат машъали ёқилди. Бирин-кетин завод, фабрикалар тикланди. 1932 йилда Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев Тошкентда биринчи чит фабрикаси пойдеворига гишт қўйиб берди. Кейинчалик оёқ кийими фабрикаси, кўнчилик заводи, эгар-жабдуқ фабрикаси, нон заводлари ва бошқа муассасалар қурилди.

Ҳозирги Комсомол кўли 1930 йилгача музхона бўлиб хизмат қиларди. Шаҳар Советининг биринчи раиси Х. Тошмуҳамедов, депутатлардан Б. Ғуломов ва мен кўпчиликка бош-кош бўлдик. Хашар йўли билан ўша жойлар қўлга, яъни аҳоли дам оладиган истироҳат боғига айлантирилди. Кейинчалик қурилиш, ободончилик, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф соҳасидаги иш авж олдириб юборилди.

Мана бугун шаҳар Советининг 50 йиллик тўйи нишонланаётган қувончли дамларда халқимизнинг бахт-саодати учун курашган сафдош биринчи шаҳар Советининг депутатларини чин қалбимдан табриклайман.

С. ШАМСИЕВ,
эски шаҳар Советининг биринчи депутатларидан, 1927 йилдан бери КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.

БИРИНЧИ РАИС

Камбағал ишчи-деҳқонлар елкасига асрлар бўйи қўёш туширимай келган чор самодержавиеси ёш Совет давлатига эски ҳароба уйлар-у, қингир-қийшиқ пастқам кўчаларни мерос қолдириб, ўзи абадий гумдон бўлди, бутун ҳокимият Советлар қўлига ер-сув боблар, савдогарлар, амалдорлар, эшонлар, муллалар эшигида қорни тўймай, эгни янги кўрмай келган қамбағал-меҳнаткаш қўлига ўтди. Эндиликда меҳнат аҳли олдида ана шу ер-сувдан унумли фойдаланиб, хўжаликни ривожлантириш, ёш Совет давлатини мустаҳкамлаш, қолаверса юртни ободонлаштиришдек вазифалар турар эди.

Худди шу йили ўзбек халқининг яловбардор инқилобчиси Низомиддин Хўжаев билан бир сафда туриб, Фарғона босмачиларини ўз уясида янчиб қайтган Зиёвуддин Илёсов Мирзачўл уезд шаҳар Советининг раиси сифатида оммани ерлар шўрини ювиш, пахтачиликни ривожлантиришга жалб этаётган эди. Низомиддин Хўжаевнинг таклифи билан Зиёвуддин Илёсов эски шаҳар Совети раислигига сайланади.

— Ўша йиллари айниқса эски шаҳар таърифга сиғмайдиган даражада ҳароба эди, — дейди Зиёвуддин ота ўтмишни эслаб, — кунларнинг бирида мени республикамизнинг биринчи оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳузурига чақириб қолди. Ота мендан ҳол-аҳвол сўради кейин вазмин оҳангда қилган насиҳати ҳали-ҳали ёдимда турипти.

— Зиёвуддин ука, яқин кунлардаги ўтмишингни бир кўз олдингга келтириб кўргина, ахир сен ким эдинг-ку, мен ким эдим. Ленин партияси бошимизни қовуштириб, халқни революцияга қўзғотмаганда бу кунлар сен билан менга қаёқда эди. Мана халқ ҳокимиятни қўлга олди-ю, биз каби камбағаллар елкасига офтоб тегди. Энди эса сен билан бизнинг вазифамиз ана шу халққа, бизга ишонч билдириб, сайлаб қўйган меҳнат аҳлига астойдил хизмат қилиш, юртни обод этишдан иборат. Ҳа, шундай. Халқ тузуни унутмаслигимиз керак.

Зиёвуддин Илёсов отанинг ана шу дўстона маслаҳатларини олиб қайтаркан у ҳаёлга берилди. Ким билади дейсиз. Зиёвуддин ўшанда ота-онасидан уч ойлик қолган мурғак ёшлигини кўз олдидан ўтказгандир. Ёки Бобокалонбойга ёлланиб Искобулга келган кунлари, унинг магазинида бир бурда нон ёки бир коса ёвғон учун юк орқалаб ўтказган оғир дамларини ўйлаб кетгандир. Ҳа, Зиёвуддин Илёсов Бобокалонбой дўконида эрта-ю-кеч елкасида юк ташиб қорни ошга тўймасди, эгни янгини билмас эди. У 1909 йилда Тошкент темир йўлига юк ташувчи бўлиб қайтиб келади. Зиёвуддин Илёсов темир йўлда ҳам 1917 йилгача юк ташиб юрди. У ишчилар билан ҳамфикр бўлди, 1916 йилдаги оқ подшонинг мардикор олишига қарши кўзголонда актив қатнашди.

— 1917 йилда, — деб эслайди Зиёвуддин ота, — мен ишлаб турган темир йўл ишчиларидан ташқари ишчи-солдатлар кўзголон қилиб, оқ подшони ағдариб ташлабди, деган гап тарқалиб қолди. Кейинчалик билсак бу буржуа революцияси экан. Ҳукумат меньшевиклар қўлига ўтибди. Лекин бу Вақтли ҳукумат амалдорларининг ҳам камбағал Туркистон аҳолисига фойдаси тегмади. Туркистон аҳолиси илгари қандай оч-юпун бўлса шундайлигича қолаверди. Эски шаҳардан келган даромаднинг деярли 80 проценти янги шаҳарнинг ободончилигига сарфланарди. Худди шу йили эски шаҳар аҳолиси янги шаҳарнинг ўн мингдан ортиқ аҳолиси инқилобий намойиш ўтказиб, «Бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтказилсин!» деган шиор билан чиқишди. Бундан талвасага тушган генерал-губернатор Куропаткин зудлик билан ёрдам сўраб Вақтли ҳукумат бошлиги Керенскийга телеграмма юборди. Керенский эса Туркистонга генерал Коровиченко бошлиқ жазо отрядини юборди. 1917 йил 28 октябридан 31 октябригача бўлган уч кунлик қаттиқ жангдан сўнг бутун шаҳар ишчи-деҳқонлар Советлари қўлига ўтди.

Шунда Низомиддин ака, Зиёвуддин Илёсов ўзлари билан 90 кишини олиб штабга етиб келишади. Ўртоқ Шпилков Илёсов ёнига 20 кишини қўшиб ударни шаҳарга разведкага юборади. Илёсов бошлиқ партиянинг жанговар дружиначилари 1919 йил 20 январга ўтар кечаси Сквердаги Давлат банки осиповчи бандитлар томонидан ўғирланаётганида қўлга олишади.

Шундан кейин орадан сал ўтмай эски шаҳар Совети депутатлари Зиёвуддин Илёсовни ўша йили Тошкентда ўтказилган Туркистон республикасининг биринчи съездига делегат қилиб юборишади. Съездда Илёсов Туркистон ҳукуматининг аъзолигига сайланади. Кейинчалик эса Зиёвуддин Илёсов Турк ЦКга ишга юборилади. Бу ерда беш-олти ой ишлагач 1921 йилда босмачилар ини—Фарғонага кетади.

Эски шаҳар Советининг биринчи депутати Зиёвуддин Илёсов шаҳар Советининг раиси сифатида юртни ободонлаштириш, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида кўпи қалбида абадий қоладиган ишларни амалга оширди. 1923 йилда маданият ўчоғи Ҳамза номидаги театр биноси замонига гишт қўйилди. Эскижўвада эса ҳозирги хотин-қизлар клуби тикланди. Эски шаҳар кўчаларига тротуарлар қилинди, тошлар терилди.

— 1924 йилда Эскижўвадаги ҳозирги боғда катта митинг бўлган эди, — деб ҳикоя қилади Зиёвуддин ака. — Шунда бутун Иттифоқимизнинг оқсоқоли Михаил Иванович Калинин ажойиб нутқ сўзлади. У ўз нутқида аввало революцияни таъминлаб, ҳокимиятни қўлида сақлаб турган камбағал деҳқонларни ўқитишга эътибор бериш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтган эди.

Ўшандан кейин шаҳар Совети ва унинг депутатлари эски шаҳарнинг ҳар бир даҳасида Шохунгузар маҳалласида, Чигатой даҳасида, Кўкча даҳасида саводсизликни тугатиш мактабларини очишди. Хотин-қизлар паранжини ташлаш ҳақида ташвиқот ишларини олиб борди.

1926 йиллардан эса ҳозирги Братск, Ленин, Куйбишев ва Энгельс Кўйлиқ кўчаларига асфальт ётқизилди, электр симлари тортилди. Беш ёғоч билан Навоий кўчаси Ўртасидаги торгина кўча кенгайтирилди. Илгари бир от арава сиғмайдиган Шайхонтовур кўчаси 7—8 метр кенгайтирилди.

Ҳа, Зиёвуддин Илёсов 1917 йилдан 1959 йилгача бутун умрини халқ хизматкори сифатида шаҳар Советининг депутати бўлиб сайланиб келди. Жангларда чиниқиб, бахтини кураш йўли билан топган Зиёвуддин Илёсовнинг меҳнатини партиямиз ва халқимиз доимо улуғлаб келмоқда. У ҳозир Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган нафақа билан таъминланган. У ҳозир Тошкентда ўзининг болачақаси, неваралари атрофида кексалик гаштини суриб тўқ ва фаровон ҳаёт кечирмоқда.

А. ШАЙХОВ.

ТАРИХДАН ЛАВҲА

МАЪРИФАТ ЧАШМАСИ

Кўҳна Тошкентимизни образли қилиб, совет Шарқининг маърифат шаҳри деб аташади. Бу ҳақ гап! Республикамизда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари учун етук кадрлар тайёрлаб чиқараётган аксарият илм-фан ўчоқлари азим шаҳримизда жойлашган.

Тошкентимиз улкан маърифат шаҳрига айланган экан, бу шубҳасиз партия ва ҳукуматимизнинг халқ маънавий қиёфасини ўстириш тўғрисидаги катта ғамхўрлигининг ёркин ифодасидир.

Илм-фан масканлари ҳақида гап кетгадан, аввало биз доҳимиз номи билан аталадиган Тошкент Давлат университетини фахр билан тилга оламиз. Улуғ доҳимиз В. И. Ленин декрети билан 1920 йилда Тошкентда ташкил этилган бу университет совет Шарқи республикаларидаги илм ўчоғи бўлди.

Туркистонда дорилфунуннинг барпо этилиши билан малакали кадрлар тайёрлаш ва миллий фанни ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратилди. Ҳа, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари қолоқ ва аҳолиси саводсиз бўлган ўлкада фан машъали ёқилди.

Йиллар ўтиши билан университетимиз ривожланди, ўсди ва кенгайди. Университет факультетлари базаларида 16 та олий ўқув юрти ташкил топди. Тошкент политехника, Тошкент қишлоқ хўжалиги, Тошкент давлат медицина, Тошкент ирригация ва қишлоқ хжалигини механизациялаш инженерлари, педагогика институтлари, шунингдек Самарқанда халқ хўжалиги институти, Ашхабодда зооветеринария институти, Ленинободда қишлоқ хўжалик институтининг вужудга келишида бу университет асосий база бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари Ўрта Осиёдаги республикалар университетларини барпо этишда ҳам Тошкент Давлат университетининг ёрдами ва иштироки каттадир.

Бугунги кунда университетимиз том маънодаги катта илм-фан даргоҳига айланган. Бу ерда 40 га яқин турли миллат вакиллари таълим олишади. Шу билан бирга университет чет эллик ёшларга ҳам кенг қучоғини очган.

Буларнинг ҳаммаси бизда илм-фанга катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатиб турибди. Мана мисол учун кейинги йилларни олиб кўрайлик. Ана шу қисқа давр мобайнида Тошкент яна бир қатор илмий-текшириш муассасалари, олий ўқув юртлари, маданият ўчоқларига эга бўлди. Фақат ўтган йилнинг ўзида ўта катта илмий-тадқиқот маркази ишга тушди. Кибернетика илмий-текшириш институтининг очилиши халқ хўжалигимизни, қолаверса экономикамизни илмий ҳисоблар асосида пухта ўрганиш имконини берди. Ҳозир бу институт халқ хўжалигининг қатор соҳалари бўйича шуғулланмоқда. Бу ерда астрономик обсерваториянинг мустақил илмий-тадқиқот марказига айлантирилганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Совет ҳокимияти йилларида Тошкентимизда ташкил топган яна бошқа илмий марказлар ва маданият ўчоқлари тўғрисида ҳам кўп нарсаларни айтиш мумкин. Чиндан ҳам биз ўтган йиллар мобайнида маърифат соҳасида улкан ғалабаларни қўлга киритдик.

Тошкент шаҳар Советининг 50 йиллик юбилейи нишонланаётган бир пайтда илм-фан соҳасидаги ютуқларимизни айтиб ўтиш нақадар қувончли ва завқлидир. Ҳа Тошкент шаҳар Совети ташкил топганига 50 йил бўлди. Бугун биз унинг ярим асрлик юбилейини нишонлар эканмиз, бу кунни биз илм-фан аҳлларн ҳам фахрланиш ҳиссига тўлган ҳолда байрам қиламиз.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

● Транспорт қатновини яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозиргача трамвай йўли масофаси 146 километрга етди. Кунига 330 вагон ишлаб, 395 минг кишини ташийди. Троллейбус масофаси 105 километр, кунига 164 троллейбус йўлга чиқиб 205 минг кишини манзилига етказади. 55 маршрут бўйича автобус қатнамоқда. 1575 автобус, 1570 енгил такси шаҳар меҳнаткашлари хизматида. Йил охиригача яна 141 та автобус ва 120 такси машинаси олинади.

● Ҳозир пойтахтимизда 15 та маиший хизмат кўрсатадиган комбинат ишлаб турибди. Бу комбинатларда 8 мингдан ортиқ киши шаҳар меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатмоқда.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Социализмнинг Шарқдаги машъалига айланган Тошкентимиз эндиликда юксак маданият шаҳри бўлиб қолди. Аёлатта, бунда медицина тармокларининг кенгайганлиги ҳам муҳим роль ўйнади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгариги Тошкентни кўз олдингизга келтиринг-а! Ўшанда шаҳримизда на биронта врачлик ва на биронта фельдшерлик соғломлаштириш пунктлари бўлмаган. Устига-устак турли юқумли касалликлар кенг тарқалган эди. Фақат медицина-профилактика ишлари кенг йўлга қўйилганлиги туфайли Совет ҳокимияти йилларида ҳавфли касалликлар тез-тез ўчирилиб ташланди.

Мана бу рақамлар шундай қараганда жуда оддий, бўлиб кўринади. Аммо, уларнинг мазмуни чаққан киши олам-олам мазмунни англайди. Ҳозир Тошкентда 66 врачлик ва 175 фельдшерлик пунктлари бор.

Энди мана бу рақамларга эътиборингизни жалб этамиз. 1917 йилда Тошкент аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш учун бор-йўғи 40 врач ва 37 ўрта медицина ходими жалб этилган эди.

Кўрсатилган ўтган эллик йил ичида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берган.

1917 йилнинг 26 октябрида шаҳарда медицина-санитария бўлими ташкил топди. Лекин, ўшанда даволаш-профилактика ишларини олиб боришда малакали медицина ходимлари етишмасди. Шунинг учун ҳам тажрибали шифокорларни тайёрлаб чиқарувчи медицина ўчоклари жуда зарур эди. 1919 йилда Тошкентда олий медицина мактаби очилди. 1920 йилда эса бу мактаб Туркистон Давлат университетининг медицина факультетига айлантирилди.

Шундай қилиб малакали шифокорлар тайёрлаш учун етарли база ҳозирланди. Бу факультет жуда кўп кадрларни етиштириб чиқарди. Ҳозир уларнинг кўплари она-Ватанимизнинг турли бурчакларида халқ сиҳат-саломатлиги йўлида фаол меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкентдаги медицина муассасалари ва шифохоналар ўзларининг моҳир медик кадрлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Профессорлардан Э. Отахонов, С. Маъсумов, З. Умидова, И. Мусабоев, Н. Исмоилов ва бошқа кўплаб атоқли медик олимларнинг номлари иттифоқ миқёсида кенг ёйилди.

Бугун Тошкент шаҳар Советининг ярим асрлик тўйи нишонланмоқда. Бу кунга пойтахт шифокорлари ҳам катта тараддуд кўрдилар. Чунки, бу кун шифокорларнинг ҳам катта байрамидир.

Р. ҚОДИРОВ.
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимнинг мудири.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Свердлов номли театр биноси, ЎзЛКСМ Марказий Комитети, «ЎзССР 30 йиллиги» кинотеатри, «Шарқ» меҳмонхонаси, Офицерлар уйи каби бир қатор бинолар деворларига Тошкентда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашлар тўғрисида ҳикоя қилувчи тарихий обидалар қўйилган. Сиз ана шу обидалардан намуналар кўриб турибсиз.



Суратларда: (чапда): вокзал ёнида, Тошкент Совети учун курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангговар ўн тўрт комиссар хотирасига қўйилган ҳайкал. Ўнгда: В. М. Фрунзе майдонининг бугунги кўриниши.

«Бу районда 50 йил муқаддам турли тилда сўзлашадиган халқлар яшаганини, бу ерда тўла ҳуқуқсизлик ҳукм суриб, кишилар ҳалокатга судровчи аянчли бир шароитда яшаганини ҳисобга олсак, бугун биз кўрган нарсаларни мўъжиза деб аташдан бошқа илож йўқ. Кишилар, уларнинг турмуш шароитлари ўзгарган, ҳокимиятнинг янги системаси, маданий дунёда, инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларида барча гражданлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлган давлат вужудга келган».

Вольдемар фон дер Лей
инженер-электрик
(Германия Федератив Республикаси).

«Ўзбекистон муваффақиятлари — халқ ўз тақдирини ўз қўлига олган тақдирда мамлакат қанчалар гуллаб-яшнаш мумкинлигининг энг яхши далилидир».

Мурод Бурбун
Жазоир ёзувчиси.

САНЪАТ ҲАВАСКОРЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ ФЕСТИВАЛИДА

ҒУНЧАЛАР ҲАНДА ЭТГАНДА

Социалистик Чирчиқнинг қирқ зина билан чиқиладиган баҳаво қисмига жойлашган муҳташам Химиклар маданият саройида эрталабдан чолғу асбоблари кўтарган тўп-тўп йигит-қизлар, санъат мухлисларн йиғила бошладилар. Ғузал қилиб безатилган маданият саройи пештоқига осилган катта алвонга «Чирчиқ санъат ҳаваскорларининг фестивали» деб ёзиб қўйилган. Бугун дам олиш куни бўлгани учунми, ҳар ҳолда химиклар санъат даргоҳига бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлар и н и томоша қилгани жуда кўп шаҳарлик ишқибозлар тўпланишган.

Фестиваль бошланди. Уни биринчи бўлиб «Ўзбекхиммаш» заводининг маданият саройи бадиий ҳаваскорлари коллективи бошлаб берди. Ёш санъаткорларнинг чиқишини бошқариб борётган диктор — конферансье бирин-кетин янги номларни, янги-янги номларни эълон қилмоқда. Куй-қўшиқ тобора авжига чиқиб, радио тўлқини уни маданият саройидан шаҳарнинг олис-олис ерларига элтмоқда.

Зал саҳнасига ёш хонанда Юрий Коваль чиқади. У «Шаҳдам қадам ташланг, ўртоқлар» деб номланувчи революцион қўшиқни ўзига хос қўтаринкилик ва маҳорат билан ижро этади. Сўнг «Аёллар» кинофильмидан «Вальс» янграйди. Бу номерни эстрада оркестри жўрлигида хушовоз қўшиқчи Л. Зотова бажаради.

Навбат қурувчилар клуби бадиий ҳаваскорларига! Улар бугунги фестивалга ранг-баранг номерлар билан келишган. Қурувчи ҳаваскорлар фестивалда яхши маҳорат кўрсатишди. Улар ижро этган кўпгина номерлар йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди. Виктор Зарудский ва Эрген Миц «Оқ қайинлар», Тамара Филатова «Қиш ўрмонида» қўшиқларини ижро этишганда санъат шинавандалари уларни қизғин кутиб оладилар.

Ёш ҳаваскор А. Каримов эстрада қўшиқларини ўзига хос чиройли услуб билан ижро этди. Овозининг ширалиги ва ижрочилик услубининг ўйноқилиги билан бошқалардан ажралиб турди. У ижро этган шўх қўшиқлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Химиклар маданият саройи бадиий ҳаваскорлик коллективи ҳам фестивалда катта программа билан иштирок этди. Унинг программаси мазмунан бой ва жанр жиҳатдан ранг-баранг эди. Ҳаваскорларнинг область кўригига ана ча яхши тайёргарлик кўрганликлари уларнинг ҳар бир номерни маҳорат билан ижро этишларида яққол намоён бўлар эди.

Саҳнага балет киймида ёшгина раққоса қиз А. Жўраева чиқади. Уни залдагилар илиқ қарши олишади. Жўраева Сен-Саненинг «Оққуш» рақсини ижро этди. Ёш раққосанинг нозик ҳаракатлари ва балет рақсининг ўзига хос хусусиятларини тўғри ижро этишга интилиши ва ана шу мақсадга эриша олганлиги ҳаммани қойил қолдирди. Рақс тамом бўлиши билан залда ёш раққосани табриклаб қарсаклар янгради. Маданият саройининг ўзбек рақс коллективи қизлари ижро этган «Хонатлас» лапар-рақс яхши баҳо олди. Ўйинчи қизлар қўшиқни ёқимли айтиш билан бирга яхши рақс ҳам тушишди.

Фестивалда химиклар маданият саройи шарафи учун курашиб голиб чиққанлар орасида маданият саройининг духовой оркестри, рақс коллективи хотин-қизлар вокал квартети, фортепьяночи Соколовский, ёш хонанда Первовалар ҳам бор. Улар санъат ҳаваскорларининг республика фестивалида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Ўзбекистон иесиққа чидамли ва жиҳатдан ранг-баранг эди. Ҳаваскорларнинг область кўригида муваффақият билан қатнашдилар. Клуб ҳаваскорлари кичик программада қатнашган бўлсалар ҳам фестивалда энг юқори баҳо олишга муваффақ бўлдилар. Клуб бадиий ҳаваскорлари коллективига жюри томонидан қўйилган умумий баҳо 8.5 балл бўлди. Фестивалда клубнинг эр-каклар вокал квартети ҳам программа номерларини маҳорат билан ижро этди. Айниқса, «Жаҳон овози» қўшиғи олқишга сазовор бўлди.

Фестиваль пойафзалчилар клуби бадиий ҳаваскорларининг чиқиши билан якунланди. Пойафзалчи ҳаваскорлар ўзларининг кўрикка ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш қилишди. Рақс группаси ижро этган татарча ўйин «Қайтарма» катта таассурот қолдирди. Ёркин миллий кийимдаги йигит-қизлар зўр маҳорат кўрсатиб ўйнашди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатни аниқ ва бехато бажариши, рақсни изчил ижро этиши ҳаммага маъқул тушди. «Сенинг кўзларинг» қўшиғини айтган Э. Қуртаметова, муваффақият айниқса қозонди. Унинг ёқимли овози ва ижрочиликдаги маҳорати фестивалда юқори баҳо олди. Ёш қўшиқчи Маметова, Грузия халқ рақсини шавқ билан ижро этган рақс коллективи ҳам санъат ҳаваскорлари фестивалини ўтказувчи область жюрисининг мақтовига эришди. Область фестивалнинг кўрик жюриси раиси Фазлитдин Шамсутдинов фестивалга якун ясаб. Чирчиқ шаҳар маданият саройлари ва клублари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг раҳбарлари юбилей йили шарафига ўтказилаётган мазкур фестивалга яхши тайёргарлик кўрганликларини таъкидлаб ўтди.

* * *

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳашаматли маданият саройи. Соат 11 да тамошабинлар ҳам, фестивали ўтказувчи область ташкилий комитетининг аъзолари ҳам залдан ўз ўринларини олдилар.

Область кўриги Юқори Чирчиқ районидан келган ҳаваскор — санъаткорларнинг чиқиши билан бошланди. Биринчи бўлиб «Политотдел» колхози хор ансамбли коллективи тайёрлаган номерларини ижро этди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, бу хор ансамбли коллективининг ўзига хос ижроси ва ижрочиликдаги маҳорати фестивалда юқори баҳо олди. Ёш қўшиқчи Маметова, Грузия халқ рақсини шавқ билан ижро этган рақс коллективи ҳам санъат ҳаваскорлари фестивалини ўтказувчи область жюрисининг мақтовига эришди. Область фестивалнинг кўрик жюриси раиси Фазлитдин Шамсутдинов фестивалга якун ясаб. Чирчиқ шаҳар маданият саройлари ва клублари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг раҳбарлари юбилей йили шарафига ўтказилаётган мазкур фестивалга яхши тайёргарлик кўрганликларини таъкидлаб ўтди.

* * *

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳашаматли маданият саройи. Соат 11 да тамошабинлар ҳам, фестивали ўтказувчи область ташкилий комитетининг аъзолари ҳам залдан ўз ўринларини олдилар.

Область кўриги Юқори Чирчиқ районидан келган ҳаваскор — санъаткорларнинг чиқиши билан бошланди. Биринчи бўлиб «Политотдел» колхози хор ансамбли коллективи тайёрлаган номерларини ижро этди.

Шунди кейин Жданов номли колхозининг О. Жийдабоев раҳбарлигидаги ёш санъаткорлари саҳнага чиқишади. Бу ёш талантлар ижро этган ҳар бир қўшиқ, куй, ўйин олқишлар билан кутиб олинади. Коллективнинг халқ чолғу асбоблари оркестри иштирокидаги «Той бастур», «Қолжов» ҳамда хушхон хонандалар Дариха Пернеқулова, Омонгул Сулаймонова, Жийдабоевлар ижро этган «Менинг Қозогистоним», «16 қиз» каби қўшиқлари ҳаммага маъқул бўлди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, таниқли композитор Ҳаким Ниҳонов раҳбарлик қилаётган Қибрай маданият уйи халқ чолғу асбоблари оркестри ижодий коллективининг чиқиши ҳам қизғин кутиб олинди. «Гулноз» рақсини зўр моҳирлик билан ижро этган Малика Муродова, тожикча «Чашми сиёҳ» лапарини ижро этган Тожигул Тилапова ҳамда шу лапар ўйинида қатнашган раққоса қиалар ҳаваскорлар санъати республика фестивалига қатнашиш ҳуқукини олдилар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.
К. ҲАМРОЕВ.

СОВЕТ БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Баскетбол бўйича аёллар ўртасида Прагада ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионати совет спортчиларининг ажойиб ғалабаси билан тугади. Саралаш учрашувларини қўтаринки рухда ўтказган СССР терма командаси финал учрашувларда ҳам мағлубият нималигини билмади. Баскетболчиларимизга фақат Япония, Чехословакия ва Жанубий Корея командаларигина қаршилик кўрсатишга уринишди, холос.

Япония терма командаси билан бўлган ўйин жуда кескин ўтди. Аввалига япон баскетболчилари олдинда боришди. Бизнинг ўйинчиларимиз қовуша олмади. Дастлабки минутларда 0:6 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Шундан кейин майдонга янги ўйинчилар тушди. Улар сафида тошкентлик, хизмат кўрсатган спорт мастери Равила Прокопенко (Салимова) ҳам бор эди. Ҳамшаҳарларимиз дугоналари билан ўйинда бурилиш ясашга уринib кўрди. Баскетболчиларимиз танаффусга 21:23 ҳисобида чиқиб кетишди.

Ўйиннинг иккинчи ярми совет баскетболчилари устунлигида ўтди. Бу устунлик ўйин охиригача сақлаб қолинди ва 57:42 ҳисоби билан ғалабага эришилди. Кейинги учрашувларни Чехословакия республикаси ва Жанубий Корея командаси билан ўтказган СССР терма командаси катта фарқ билан устун келди ва учинчи марта қаторасига жаҳон чемпиони деган номни қўлга киритди.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар



ГДРдаги Шенебек заводи март ойининг охирида Чехословакия, СССР, Руминия ва бошқа мамлакатларга 250 дан ортиқ ўзнюрар шассилар жўнатди. Корхонада тайёрланган ажойиб тракторлар кўпгина мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида муваффақиятли қўлланилмоқда. Суратда (чапда): Шенебек трактор заводида.

АДН—ТАСС фотоси.

АМЕРИКА қитъасидаги маҳаллий аҳоли — ҳиндлар оғир аҳволда кун кечирмоқда. Улар гоҳо-гоҳо шаҳарларга иш қидириб тушадилар. Суратда: ҳинд йигити ишлаш ҳақидаги шартномага «имзо» чекмоқда.

Камера—Пресс—ТАСС фотоси.

МОНГОЛИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

УЛАН-БАТОР. Монголия—Совет жамияти тузилган кунинг 20 йиллигига тайёргарлик бутун Монголияда кенг авж олиб кетди. Шу жамиятнинг Сухэ-Батор Аймоқ Совети Совет Иттифоқининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятларини пропаганда қилмоқ учун хилма-хил формалардан фойдаланмоқда. Аймоқда Советлар мамлакатининг муваффақиятини кўрсатувчи фотокўргазмалар ташкил этилди. «Абадий ва бузилмас дўстлик» виставкаси 20 та корхона ва муассасада кўрсатилмоқда. Яқинда Аймоқда совет фильмлари ҳафталиги ўтказилди. Монголияда социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига Совет Иттифоқи бераётган беғараз қардошлик ёрдами сухбатлар, лекцияларда, кўп кишилик митингларда алоҳида қайд қилинмоқда.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 25 апрель. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Демократик Республикаси территориясига кеча АҚШ авиацияси ҳужум қилган вақтда ВДР осмонда Американинг 9 та самолёти урib туширилди ва бошқа кўп самолётлари шикастлантирилди. Америка учувчиларидан етти киши асир қилиб олинди.

Вьетнам Демократик Республикаси тепасида урib туширилган Америка самолётларининг жами 1785 тага етди.

АЭРОДРОМГА ҲУЖУМ

ХАНОЙ, 24 апрель. (ТАСС). ВИА агентлиги Озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб хабар беради: 9 апрелда Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг жангчилари Зялай вилоятида АҚШ биринчи аэромобил дивизиясининг вертолётлари турадиган аэродромга миномётлар ўти билан ҳужум қилдилар. Натижада Америка ҳарбий хизматчиларидан 115 киши ўлдирилди ва жароҳатлантирилди ва 28 вертолёт шикастлантирилди.

ГРЕЦИЯДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 24 апрель. (ТАСС). Чет эл агентликларининг хабарларида айтилишича, Грециядаги ҳарбий тўнтариш раҳбарлари даҳшатли чораларни кўриб, мамлакатда фашистик диктатура ўрнатишга уринмоқдалар. Мамлакатда кўплаб одамлар кетма-кет қамоққа олинмоқда. Париждаги ЮФИ агентлигининг хабар беришича, қамоққа олинганларнинг сони 8 мингга етиб қолди. Франс Пресс агентлигининг мухбири Греция матбуот ишлари министрлиги вакилининг гапларига асосланиб, қамоққа олинганларнинг сони «анча кам» деб ёзади. Лекин шу вакилнинг ўзи «қамоққа олинганларнинг 90 процентидан кўпроғи коммунистлардир» деб айтган.

Баъзи хабарларга кўра сўл ЭДА партиясининг кўпгина аъзолари қамоққа олинди. Бу партиянинг газеталари тақиқланган ва уларга тегишли мулклар мусодара қилинган.

Афина расмий информация агентлиги «мамлакатда тўла осойишталик ва тартиб ҳукм сурмоқда» деб даъво қилмоқда.

ГФРДА ЯНГИ НАЦИЗМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Англияда чиқадиган «Пипл» газетасининг мухбири К. Кларк Флей Истбургдан (Германия Федератив Республикаси) хабар беради: Жанубий ва Шимолий Америкада истиқомат қилиб турувчи собиқ нацистлар Германия Федератив Республикасидаги янги нацист национал-демократик партияни маблағ билан кенг таъминламоқдалар. Бу партия ихтиёрига, деб ёзади мухбир, гитлерчилар Германиянинг ҳозирги вақтда Германия Федератив Республикаси составида бўлган турли районларида яшириб қўйилган жуда катта бойликлар юборилиб турибди.

«Бу бойликлар — деди национал-демократик партияси раҳбарларидан бири Отто Гесс «Пипл» газетаси мухбирига, — отанинг фарзандларга қолдирган мероси каби бизлар учун муқаддасдир. Биз бу бойликлардан умумий душман — большевизмга қарши курашда фойдаланмоқчимиз».

Национал-демократик партиянинг раҳбари Фон-Тадден «Пипл» газетаси мухбирига «Биз яқин келгусида партиямиз федерал парламентда ўзининг камида қирқ аъзосига эга бўлади, деб ишонамиз» деди.

Кларкнинг айтишича, Германия Федератив Республикасининг ҳукумат органлари национал-демократик партия иш кўраётганидан, у жуда катта маблағлар билан таъминланаётганлигидан хабардор бўлсаларда, лекин янги нацистлар фаолиятидан кўз юммоқдалар.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти жума куни, 28 апрелда («Прада Востока» кўчаси 26, 4-қават, 105-хона) кеч соат 5 да бўлади.

РЕКТОРАТ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

ЭЛЛИК МАМЛАКАТГА

Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина саноат корхоналарининг маҳсулоти Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Шу жумладан, электротехника заводида ишлаб чиқарилаётган электр асбоб-ускуналари 50 дан ортиқ мамлакатга жўнатилянти.

Корхона ишчилари ҳар куни Венгрия, Польша, Болгария, Чехословакия, Ироқ, Афғонистон, Цейлон ва шу каби мамлакатларга электр приборлар, электр станцияларни бошқариш учун пультлар, ўлчов асбоблари, бошқариш панеллари жўнатиб туришади. Ҳозирги вақтда корхона экспортида ўрин олган маҳсулотлар тури 20 тадан ошиб кетди.

ПИШИҚ ВА БЕЖИРИМ

Марказий универмагининг савдо залларидан бирида зигир толаларидан тайёрланган буюмлар кўргазмаси ва сотуви ташкил қилинди. Мазкур буюмларни Белоруссиядаги Оршанский зигир толалари комбинати ишлаб чиқарган. Зигир толаларидан тўқилган дастурхонлар, чойшаблар, рўмоллар азалдан харидорларимиз томонидан харид қилиб келинади.

Хоналаримизни безайдиган дарпардалар ҳам кўргазмадан ўрин олган бўлиб, улар турли хил рангда, пишиқ қилиб тўқилган.

МЕБЕЛЛАР КУРИГИ

Республикамизда тайёрланаётган мебеллар тури кейинги йилларда кўпайиб, уларнинг сифати бирмунча яхшиланди.

Тошкентдаги «Шарқ» фирмасида бу соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Корхонада мебелларнинг бежирим бўлиши, уларнинг сифати яхши бўлиши учун астойдил меҳнат қиляптилар. Яқинда фирма савдо ташкилотлари билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида мебеллар кўргазмасини ташкил этди.

Кўргазмада Самарқанд, Андижон, Фарғона, Хева, Бухоро мебель фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўрин олди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 апрелда

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшитиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.10 — **Қизил галстук** (тележурнал), 18.45 — **Ер — бойлигимиз** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 19.00 — **Тошкент истиқболи**, 19.25 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида), 19.35 — **Телевизион бадиий фильм**, 20.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшитиришлар программаси**, 18.00— **Танбал Ёмасвойнинг ишга ўрганган**и (болалар учун кўғирчоқ фильм), 18.10 — **Музиқали мозаика**, 18.50 — **Ўзбекистон спартакиадаси** (баскетбол бўйича репортаж), 19.50 — **Телевизион янгиликлар**, 20.00 — **Санъат халққа хизмат қилади.**

Ўзбек тилида: 20.15 — **Сенинг тенгдошларинг** («Ёшлик» студияси), 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Иккинчи истеъдод** (ҳаваскор рассомлар), 21.05 — **Қримнинг қишлоғи** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/IV да **Спартак**, 27/IV да **Марварид изловчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Парвона**, 27/IV да **Улимдан кучли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/IV да **Концерт**, 27/IV да **Равшан ва Зулхумор.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа, **Москва цирк артистларининг гастроли ва Ҳиндистон филлари аттракциони.**

КИНО

Йўлбарс кўрфази — «ЎЗБЕКИСТОН», «ФЕСТИВАЛЬ», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси ёнимда, Ричард — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2-зала), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уни яхши билар эдим — НАВОИЙ номли «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Жаноби олий офицерлари — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун, 1-зала), «СПУТНИК» (кеч соат 8 да).

Доктор Айболит — (эрталаб соат 10 да), **Уруш ва тинчлик** (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да) — «ЧАЙКА».

Кеча, бугун, эртага — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р.01764
Индекс 64970
А—1846.